

**ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТАМОЖЕННЫЙ КОМИТЕТ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ВЫСШИЙ ВОЕННЫЙ ТАМОЖЕННЫЙ ИНСТИТУТ**

**Краткий русско-узбекский словарь**

**экономических терминов**

**Иқтисодий терминларнинг қисқача**

**русча-ўзбекча луғати**

**Ташкент – 2010**

Утвержден Ученым советом Высшего военного таможенного института  
(протокол № 5 от «22» мая 2010 г.)

СОСТАВИТЕЛЬ: к.п.н., доцент **Г.Асилова**

РЕЦЕНЗЕНТЫ: ст. преп. ТГПУ им. Низами, к.п.н. **М.Давлатова**  
ст. преп. ВВТИ, к.э.н. **Э.Нигманов**

Словарь содержит основные экономические термины и выражения.  
Предназначен для студентов, учащихся, а также для тех, кто работает с  
экономическими текстами.

**аванс** *м* аванс (меҳнатга олдиндан тўланадиган пул, ҳақ, маблағ); **выдать** ~ аванс бермоқ; **получить** ~ аванс олмоқ; **делать** ~ **ы кому разг.** ўзига оғдириш учун бирор нарса билан рағбатлантирмоқ, хурсанд қилиб қўймоқ.

**автаркия** *ж книжн.* автаркия (зарур нарсаларни четдан олмасдан ўзи етказишга асосланган миллий хўжалик системаси).

**автоматизация** *ж*

**1** автоматизация, автоматлаштириш; ~ **производства** ишлаб чиқаришни автоматлаштириш;

**2** автоматлаштириш, ғайриихтиёрий, машиналар даражага келиш (ҳаракат ҳақида).

**Агентство международного развития** Халқаро ривожланиш агентлиги

**адаптация** *ж*

**1** *биол.* мослашув, кўникув; ~ **глаза** кўзнинг мослашуви, кўникуви;

**2** адаптация, соддалаштириш; ~ **текста для изучающих иностранный язык** чет тилини ўрганувчилар учун матнни соддалаштириш.

**Административно-бюджетное управление** маъмурий-бюджет бошқаруви

**Азиатский банк реконструкции и развития** Осиё тараққиёт ва ривожланиш банки

**аккредитив** *м*

**1** аккредитив (кўрсатувчига маълум миқдорда пул бериш ҳақида омонат касса, банк ва ш.к. муассасалар томонидан бошқа шундай муассасаларга кўрсатма берилган ҳужжат); **выдать** ~ аккредитив бермоқ; **получить деньги по** ~ у аккредитив бўйича пул олмоқ,

**2** *то же, что* **аккредитивная грамота** *см.* **аккредитивный.**

**аккредитивн/ый, -ая, -ое** аккредитивга оид; аккредитив...; ~**ое поручение** аккредитив қоғози; ~**ая грамота** *дипл.* ишонч ёрлиғи.

**аккредитовать, -тую, -туешь** *сов. и несов.*

**1** *кого дипл.* чет давлатга вакил қилиб тайинламоқ, вакил қилиб юбормоқ;

**2** *что фин.* аккредитив бўйича пул юбормоқ.

## **актив**

**I** м фаол, актив, активлар; **собрание** ~а актив йиғилиши (мажлиси).

## **актив II ж**

**1** бухг. актив (балансинг кирим, даромад ва моддий бойликлар ёзиладиган қисми); **записать в** ~ активга ёзмок; балансинг актив қисмига ёзиб қўймок;

**2** перен. ютуқ, муваффақият; **записать что-л. себе в** ~ ўз ютуқлари қаторига ёзиб (қўшиб) қўймок.

## **акцепт** м акцепт

**1** фин. тўлов ҳужжатида розилик билдириб чекилган имзо ва ёзув; корхона ва муассасаларнинг банк орқали нақд пулсиз ўзаро ҳисоб-китоб юритиш шакли; **2** юр. қўйилган шартларни қабул қилиб шартнома тузиш ҳақида берилган розилик.

## **акцептовать, -тую, -туешь** сов. и несов. что

**1** акцептламок (тўлаш учун розилик билдириб, тўлов ҳужжатида имзо чекмок);

**2** юр. маъкулламок, розилик бермок.

**акционер** м акция эгаси, акцияли жамият аъзоси, акциячи; акциядор.

## **акционерн/ый, -ая, -ое**

**1** акцияли; ~ое общество акцияли жамият, акциядорлар жамияти (акциядорлардан тўпланган капитал билан иш юритувчи йирик бирлашма);

**2** акциядорлардан тўпланган; ~ый капитал акциядорлардан тўпланган капитал, акциядорлар капитали.

**акционерски/й, -ая, -ое** акциядор(лар)га оид; акциядор(лар)..; ~е собрания акциядорлар мажлиси.

**акци/я I ж** акция (пай пули баробарига бериладиган ва акциядорлар жамияти ишида қатнашиш, унинг даромадидан ҳисса олиш ҳуқуқини берадиган қимматбаҳо қоғоз); **приобретать ~и** акция(лар) олмок; ~и **поднимаются** (или **повышаются**) *чыи* обрў-эйтибори ошмокда; ~и **падают** *чыи* обрў-эйтибори пасаймокда.

**акция II ж книжн.** бирор мақсадда қилинган ҳаракат, иш, амал; **дипломатическая** ~ дипломатик ҳаракат.

**алиментны/й, -ая, -ое** алиментга оид; алимент...; ~е **платежи** алимент тўловлари.

**алименты** *мн.* алимент, нафақа.

**амортизация** *ж* амортизация

**1 эк. фин.** бино, иншоот, машина ва ш.к. қимматининг эскириш, тўзиш натижасида камайиб бориши ва уни қоплаш учун белгиланган чегирма;

**2 тех.** урилиш зарбини камайтириш, юмшатиш.

**аннулирование** *с* бекор қилиш, йўқ қилиш, кучдан қолдириш.

**аннулировать** *сов. и несов. что* бекор қилмоқ, йўқ қилмоқ, кучдан қолдирмоқ; ~ **договор** шартномани бекор қилмоқ; ~ **долги** қарзни бекор қилиш (қарздан кечиш ёки уни тан олмаслик).

**антиквариат** *м* антиқий нарсалар савдоси.

**арбитраж** *м*

**1** арбитраж, ҳакамлар суди (муҳокамаси); **передать дело в** ~ ишни арбитражга (ҳакамлар судига, муҳокамасига) топширмоқ;

**2** арбитраж (судсиз ҳал этиладиган даъво-жанжалларни бартараф қилувчи ва томонларни келиштирувчи орган); **международный** ~ халқаро арбитраж; **государственный** ~ давлат арбитражи.

**аргумент** *м*

**1** далил, асос; **убедительный** ~ ишончли далил; **приводить** ~ **ы** далиллар келтирмоқ;

**2 мат.** аргумент (эркин ўзгарувчан катталиқ).

**аренд/а** *ж*

**1** ижара; ижарага олиш ёки бериш; ~**а земли** ерни ижарага олиш; ерни ижарага бериш; **сдать в** ~у *что-л.* ижарага бермоқ; **взять в** ~у *что-л.* ижарага олмоқ;

**2** ижара ҳақи; **платить** ~у ижара (ҳақи) тўламоқ; **отсрочить** ~у ижара (ҳақи) тўлаш муддатини чўзмоқ, кечиктирмоқ.

**ассигнация** *ж* ассигнация, қоғоз пул.

**ассигновани/е** *с*

**1 по гл. ассигновать;**

**2** ажратилган, чиқарилган пул, маблағ; **бюджетные** ~я *на что-л.* бирор мақсад учун бюджетдан ажратилган пул.

**ассоциация** *ж*

**1** ассоциация, уюшма, иттифоқ; **краеведческая** ~ ўлкашунослиқ уюшмаси;

- 2 ассоциация, бирикма, группа, тўда; ~ **молекул** молекулалар ассоциацияси;  
3 *психол.* ассоциация (тасаввур, ҳис-туйғу, фикр ва ш.к. нинг бир-бирини эслатадиган ўзаро боғланиши); ~ **по смежности** кетма-кетлик ассоциацияси.

**Ассоциация государств Юго-Восточной Азии (АСЕАН)** Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциацияси.

**Ассоциация дилеров по международным облигациям** халқаро облигациялар бўйича дилерлар ассоциацияси.

**аукцион** *м* аукцион, очик савдо, «ким ошди» савдоси; **продавать с ~а** «ким ошди» қилиб сотмоқ; **пушной** ~ мўйна аукцион, мўйналарнинг «ким ошди» савдоси.

- Б -

**база** *ж*

- 1 *архит.* база, пой; ~ **колонны** устун базаси, пой устун;  
2 асос, негиз, база; таянч; **материальная** ~ моддий база; **социальная** ~ ижтимоий негиз; **материально-техническая** ~ моддий-техник база;  
3 база (таъминот манбаи); **кормовая** ~ **животноводства** чорвачиликнинг ем-хашак базаси;  
4 *воен.* база (мамлакат ҳарбий кучларининг таянч пункти); **ракетная** ~ ракета қўшинлари базаси; **военно-морская** ~ ҳарбий-денгиз флоти базаси;  
5 база, склад, омбор; **товарная** ~ мол базаси; **на базе чего** асосида, негизида; **подводить базу** база ҳозирламоқ, асос излаб топмоқ.

**баланс** *м*

- 1 мувозанат;  
2 *фин.* баланс (маълум бир муддат мобайнидаги кирим-чиқим, даромад-буромад ва ҳ.к. нинг якуний нисбати); **торговый** ~ савдо баланси (экспорт ва импорт нисбати); **активный** ~ актив баланс (киримнинг, даромаднинг чиқимга, бууромадга нисбатан кўпроқ бўлиши); **пассивный** ~ пассив баланс; **подводить** ~ баланс чиқармоқ; кирим-чиқим балансини чиқармоқ;  
3 *спец.* баланс (олинган ва сарфланган энергия, иссиқлик ва ш.к. нисбати); **тепловой** ~ **двигателя** двигателнинг иссиқлик баланси.

**баланси́ровать** *несов.*

- 1 *на чём* мувозанат сақламоқ; ~ **на канате** дорда мувозанат сақламоқ; ~ **на грани войны** *перен.* уруш тахдиди билан дўқ-пўписа сиёсатини юргизмоқ;

**2** (сов. **сбалансировать**) *что фин.* балансламоқ, баланс чиқармоқ, кирим-чиқимни балансга келтирмоқ;

**3** (сов. **сбалансировать**) *спец.* балансламоқ, мувозанатлаштирмоқ, мувозанатга келтирмоқ.

**балансовый, -ая, -ое** балансга оид; баланс...; ~ **отчёт** баланс ҳисоботи.

**банкноты** *мн. (ед. банкнот м, банкнота ж)* - банкнотлар (банк томонидан чиқариладиган ва пул ўрнида юрадиган процентсиз кредит билетлари).

**Банк международных расчётов** Халқаро ҳисоб-китоблар банки

**банк** *м* - банк; **промышленный** ~ саноат банки, **торговый** ~ савдо банки, **центральный** ~ марказий банк.

**банкнота** қоғоз пул

**банкрот** *м*

**1** банкрот, синган савдогар; **объявить кого-что-л.** ~ом банкрот деб эълон қилмоқ, синганлигини билдирмоқ;

**2** *перен.* обрў-эътиборини йўқотган (эътибордан тушган, шармандаси чиққан) шахс, банкрот; **политический** ~ сиёсий банкрот, сиёсатда обрў-эътиборини йўқотган (шармандаси чиққан) шахс.

**банкротство** *с*

**1** синиш, банкрот бўлиш, банкротлик;

**2** *перен.* обрў-эътиборини йўқотиш; эътибордан тушиш, шармандаларча барбод бўлиш, барбодлик.

**бартер** алмашинув

**барьеры (нетарифные)** (нотариф) тўсиқлар

**бедность/ь** *ж*

**1** камбағаллик, фақирлик, йўқчилик, қашшоқлик, муҳтожлик; **жить в ~ и** муҳтожликда яшамоқ;

**2** камбағаллик, таркибида керакли нарсанинг камлиги, етишмаслиги; ~ **в рабочей смеси** иш қоришмасининг камбағаллиги; ~ **в почвы** ернинг ориқлиги; ~ **в воображения** тасаввурнинг камбағаллиги, фаразнинг ожизлиги;

**3** оддийлик, соддалик, фақироналик; ~ **в обстановки** жиҳозларнинг оддийлиги, фақироналиги.

**безработица** *ж* ишсизлик, ишчиларнинг ишсиз қолиши; **массовая** ~ **а** оммавий ишсизлик; **частичная** ~ **а** қисман ишсизлик.

**безубыточность** *ж* зиёнсизлик, зарар кўрмаслик ёки келтирмаслик.

**бизнес** *м* бизнес (даромадли иш, тижорат).

**билет казначейский** казначейлик билети (давлат хазина билети).

**биржа** *ж*

**1** биржа (йирик савдо ва молия ишларига оид муомалалар бўйича воситачилик қилувчи муассаса); **фондовая** ~ фонд биржаси; **товарная** ~ товар биржаси;

**2** *уст.* мардикор бозор; умуман ҳар қандай бозор;

**3** *уст.* биржа (ёғоч-тахта ва ш.к. склади);

**4** *уст.* извошлар турадиган жой; ~ **труда** меҳнат биржаси; **чёрная** ~ қора биржа (яширинча савдо қилинадиган, чет эл пуллари сотиладиган махфий бозор).

**блага** *мн. чего* или *какие* фаровонлик, бойлик.

**благосостояние** *с* фаровонлик, мўл-кўлчилик, бойлик, фаровон ҳаёт; **материальное** ~ **трудящихся** меҳнаткашларнинг моддий фаровонлиги.

**бланк** *м* бланк; **телеграфный** ~ телеграф бланки.

**блуждание** адашиш

**богатств/о** *с*

**1** бойлик, мол-мулк, дунё, давлат; бисот; **национальное** ~ **о** миллий бойлик; **нажить** ~ **о** бойлик орттирмақ;

**2** *чего* бойлик, ҳашамат; ҳашамдорлик, ҳашаматлилик; ~ **о обстановки** уй жиҳозларининг бойлиги, ҳашамати;

**3** *мн.* ~ **а** бойлик; бойликлар; **рудные** ~ **а страны** мамлакатнинг қазилма бойликлари; **естественные** ~ **а** табиий бойликлар;

**4** *чего* бойлик, ранг-баранглик; сероблик, мўллик, кўплик; ~ **о красок** бўёқларнинг ранг-баранглиги; ~ **о впечатлений** таасуротларнинг бойлиги, ранг-баранглиги; ~ **о голоса** овознинг бойлиги; **духовное** ~ **о маънавий** бойлик.

**бракодел** *м* бракчи, брак маҳсулот чиқарувчи.

**брокер** брокер, воситачи



**бум** *м разг.* сунъий овоза, шов-шув; **биржевой** ~ биржада кўтарилган шов-шув; **газетный** ~ газета шов-шувлари; **бум спекулятивный** – спекуляцияга (олиб-сотарликка) оид; чайқовчиликка асосланган (қаратилган); спекулятив шов-шув.

**бумаги ценные** қимматли қоғозлар (қоғоз пул, облигация, вексель ва ҳ.к.).

**бухгалтер** *м* - бухгалтер; **главный** ~ бош бухгалтер.

**бухгалтерия** *ж* бухгалтерия

**1** ҳисоб-китоб юритиш иши, илми;

**2** идора ва муассасаларнинг ҳисоб-китоб бўлими); **двойная** ~ *разг.* икки ёқлама бухгалтерия (мунофиқона, икки томонга ишлаш, иккиюзламалик).

**бухгалтерский учёт** бухгалтерлик ҳисоби

**бюджет** *м*

**1** бюджет; **государственный** ~ давлат бюджети; **местный** ~ маҳаллий бюджет; **военный** ~ ҳарбий бюджет; **годовой** ~ йиллик бюджет;

**2** бюджет, даромад-буромад; ~ **семьи** оила бюджети, оиланинг даромад-буромади; **выйти из** ~а бюджетдан чиқиб кетмоқ, бюджетдан ортиқ сарф қилиб қўймоқ.

**бюджетный профицит** бюджет профицити

**Бюро по изучению экономической политики** иқтисодий сиёсатни ўрганиш бўйича бюро

**бюро** *с нескл.* бюро

**1** баъзи муассасалар, ташкилотлар номи; **справочное** ~ справка бюроси; **конструкторское** ~ конструкторлар (конструкторлик) бюроси; ~ **находок** топилдиқлар бюроси; ~ **погоды** об-ҳаво бюроси;

**2** сайлаб қўйиладиган раҳбарлик органи ва унинг мажлиси; **решение** ~ бюро қарори).

**бюрократия** *ж*

**1** то же, что **бюрократизм**;

**2** *собир.* бюрократия, бюрократлар, тўралар.

**вакансии/я** *ж* вакансия, бўш ўрин (лавозим, вазифа); **нет** ~ **и** бўш ўрин йўқ;  
**открылась** ~ **я** ўрин бўшади.

**валовой внутренний продукт** ялпи ички маҳсулот

**валовые внутренние инвестиции** ялпи ички инвестициялар

**валюта** *ж*

**1** валюта, пул (бирор мамлакатнинг пул системаси ва унга асос қилиб олинган пул бирлиги); **золотая** ~ олтин валюта (олтин пуллар асос қилиб олинган система); **иностранная** ~ чет эл валютаси (пули);

**2 собир.** валюта, чет эл пули (пуллари).

**ВВОЗ** *м*

**1 по гл. ввезти - ввозить;** ~ **товара в отдалённые районы** узоқ туманларга мол келтириш;

**2 эк.** импорт, чет элдан келтириладиган мол миқдори.

**ведомост/ь** *ж*

**1** ведомость; ~**ь расходов** харажатлар ведомости; **расчётная** ~**ь** ҳисоб-китоб ведомости

**вектор** *м мат.* вектор

**1** миқдор ва йўналишга эга бўлган катталиқ;

**2** шундай катталиқни кўрсатувчи кесма.

**вероятност/ь** *ж* эҳтимоллик; юз бериши (бўлиши) мумкинлик; эҳтимол;  
**мало** ~ **и** эҳтимолдан узоқ; ~ **ь события** воқеанинг (ҳодисанинг) юз бериш эҳтимолли; **по всей** ~ **и** эҳтимол (ажаб эмас) шундай бўлса, шундай чиқар, шундай бўлса керак, эҳтимол; **теория** ~ **ей** *мат.* эҳтимоллик назарияси.

**взаимодействии/е** *с*

**1 физ.** ўзаро таъсир; **сила** ~ **я** ўзаро таъсир кучи;

**2** нарса (воқеа, ҳодиса ва ш.к.) нинг бир-бирига таъсири, ўзаро боғланиши, алоқаси, муносабати, биргаликдаги иши, ҳаракати; **в тесном** ~ **и с массами** омма билан мустаҳкам алоқада (ҳамкорликда); ~ **е родов войск** қўшин турларининг биргаликдаги ҳаракати (биргалашиб ҳаракат қилиши); ~ **е частей**

**затвора** затвор қисмларининг бир-бирига таъсир кўрсатиб ишлаши; ~ **е органов растений** ўсимлик органларининг ўзаро боғланган фаолияти.

**взаимозависимость** ж ўзаро боғлиқлик, бир-бирига боғланганлик, ўзаро боғланиш; ~ **промышленности и сельского хозяйства** саноат билан қишлоқ хўжалигининг бир-бирига боғланганлиги (боғлиқлиги).

**взаимопомощь** ж ўзаро ёрдам, бир-бирига ёрдам бериш; **пакт о ~ и** ўзаро ёрдам шартномаси; **касса ~ и** ўзаро ёрдам кассаси.

**взлёт** м

**1** парвоз қилиш, учиш; парвоз;

**2** *перен. чего* парвоз, беқиёс юксалиш, равнақ; ~ **мысли** фикр (тафаккур) парвози.

**взнос** м

**1** тўлаш, тўлов;

**2** взнос, бадал; **членские ~ ы** аъзолик взнослари (бадаллари); **вступительные ~ ы** кириш взноси.

**взнос страховой** суғурта тўлови

**взрыв демографический** демографик портлаш

**вклад** м

**1** *по гл. вкладывать и вложить*;

**2** банкка (ёки омонат кассага) қўйилган пул; омонат; **срочный** ~ муддатли омонат (маълум муҳлатга қўйилган пул);

**3** *перен.* қўшилган улуш, ҳисса; **ценный** ~ **в науку** фанга қўшилган муҳим ҳисса;

**влияние факторов** омиллар таъсири

**вложени/е** с

**1** *по гл. вложить*;

**2** солинган (қўшилган) нарса; **письмо с ~ем** ичига пул (ёки бирор нарса) солинган хат;

**3** бирор ишга сарф қилинган пул, маблағ; **капитальные ~я** капитал маблағлар.

**внешнеторговый, -ая, -ое** ташқи савдога оид; ташқи савдо...; ~ **оборот** ташқи савдо обороти.

**внешняя торговля** ташқи савдо

**внешние эффекты** ташқи эффектлар

**возвыси/ть, -ышу, -ысишь** сов. (несов. **возвышать**) *кого-что*

**1** уст. баланд қилмоқ, баландлатмоқ, кўтармоқ ;

**2** эътиборини оширмоқ; обрўйини кўтармоқ; **~ТЬ** *кого-л. в чьих-л. глазах* кимсанинг кўз олдида эътиборини оширмоқ (обрўйини кўтармоқ);

**3** уст. баҳосини оширмоқ, нархини кўтармоқ.

**воздействие налогообложения** солиққа тортишнинг таъсири

**воздержание** с ўзини (нафсини) тийиш; сақланиш, сабр, қаноат; **~ в пище** овқатдан ўзини тийиш.

**возместить, -ешу, -естишь** сов. (несов. **возмещать**) *что чем* тўламоқ, ўрнини тўлдирмоқ; бадалини бермоқ; **~ убыток** зарарини тўламоқ, зарарнинг ўрнини тўлдирмоқ.

**возмещение** с

**1** по гл. **возместить**; **~ убытков** зарар ўрнини тўлдириш; **~ капитала** капиталнинг ўрнини тўлдириш;

**2** товон, бадал; **получить ~ за убытки** келтирилган зарар учун товон олмоқ.

**вознаграждение** с

**1** по гл. **вознаграждать**;

**2** мукофот; ҳақ; музд; **денежное** ~ пул билан мукофотлаш; пул мукофоти; **за небольшое** ~ озгина ҳақ олиб (тўлаб).

**воспроизводство** с

**1** по гл. **воспроизводить**;

**2** эк. такрор ишлаб чиқариш; **простое** ~ оддий такрор ишлаб чиқариш; **расширенное** ~ кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш.

**выбор** м

**1** по гл. **выбрать**; **~ профессии** касб танлаш; **сделать** ~ танлаб олмоқ; танламоқ;

**2** танланган нарса ёки кимса;

**3** мн. **~ ы** сайлов.

**выброс** м

**1** по гл. **выбросить**; ~ **лавы из вулкана** вулкандан лаванинг отилиб чиқиши;  
**2** отилган (улоқтирилган) нарса.

**вывод статистический** *м* статистик натижа, хулоса;

**1** по гл. **вводить – вывести**;

**2** хулоса, натижа; **правильный** ~ тўғри хулоса; **прийти к** ~ у хулосага (фикрга) келмоқ;

**3** *тех.* тармоқланиб чиқиш жойи, қурилмаси; кулоқ.

**выгод/а** *ж*

**1** фойда, хаён, наф, суд, бахра; **двойная** ~а икки томонлама фойда; **извлечь** ~у наф олмоқ, фойда кўрмоқ (қилмоқ);

**2** манфаат, фойда; **думать о своей** ~е ўз манфаатини кўзламоқ; **взаимная** ~а ўзаро манфаат, икки томон учун ҳам фойда.

**выгоды от торговли** савдодан олинадиган фойда.

**выдача** *ж*

**1** по гл. **выдать**; ~ **удостоверений** гувоҳнома(лар) бериш; ~ **заработной платы** маош бериш; ~ **продукции** маҳсулот бериш, маҳсулот ишлаб чиқариш;

**2** тўланган пул (ёки берилган мол) миқдори; маҳсул; **большая** ~ берилган кўп пул (ёки катта маҳсул ва ҳ.к.).

**выигрыш** *м*

**1** ютуқ, ютилган нарса (ёки пул); **крупный** ~ катта ютуқ;

**2** фойда, ютиш, фойда қилиш; ~ **во времени** вақтдан ютиш, вақтдан фойда қилиш;

**3** ғалаба, ютуқ; устун чиқиш, ютиш; **быть в ~ е** 1) ютмоқ, ютиб чиқмоқ, устун келмоқ; 2) фойда қилмоқ.

**выкуп** *м*

**1** по гл. **выкупить**;

**2** қайтариб (ёки ажратиб) олиш учун тўланадиган пул, эваз; **внести** ~ пул (эваз) тўламоқ.

**выкупить, - плю, -пишь** *сов. (несов. выкупать)*

**1** *что* пул тўлаб қайтиб олмоқ (гаровга қўйилган нарсани); ~ **заложенные вещи** гаровга қўйилган нарсаларни пул тўлаб қайтиб олмоқ;

**2** *кого* пул тўлаб қутқариб (ажратиб) олмоқ; пул эвазига озод қилмоқ;

**3** *прост.* ҳаммасини сотиб олмоқ.

**выменять** *сов. (несов. выменивать)* *кого-что на что* айирбошламоқ, алиштириб (айирбошлаб) олмоқ, алиштирмоқ, алмашмоқ.

**выплата** *ж*

**1** *по гл. выплатить*; ~ **выигрышей** ютукларни тўлаш; ~ **долга** қарзни тўлаш;  
**2** *прост.* муҳлати билан бўлиб-бўлиб тўлаш.

**выплатить, - ачу, -атишь** *сов. (несов. выплачивать) что*

**1** тўламоқ, бермоқ; ~ **заработную плату** ойлик бермоқ;

**2** муҳлати билан бўлиб-бўлиб тўламоқ, тўлаб қутулмоқ; ~ **ссуду** қарзини (бўлиб-бўлиб) тўлаб қутулмоқ.

**выпуск** *м*

**1** *по гл. выпустить*; ~ **продукции** маҳсулот ишлаб чиқариш; ~ **займа** заём чиқариш.

**выравнивание цен** нархларни бараварлаштириш.

**выручк/а** *ж*

**1** *разг. по гл. выручить*;

**2** тушган пул; тушум, кирим, даромад, савдо; **дневная** ~ **а** бир кунлик тушум; бир кунлик савдо; **на** ~ **у** (идти, спешить и т.п.) ёрдамга келмоқ (бормоқ, шошилмоқ); ёрдам қўлини чўзмоқ.

**вытеснени/е** *с по гл. вытеснить – вытеснять*; ~ **е** **одного вещества другим** бир модданинг ўрнини бошқа модда эгаллаши; **реакция** ~ **я** ўрин алмашилиш реакцияси.

**выторговывание** *разг.* савдолашмоқ, қийишмоқ; талашиб-тортишиб арзонга олмақ.

**выходное пособие** ишдан бўшаганда қонунга мувофиқ бериладиган пул.

- Г -

**гарантия** *ж* гарантия, кафолат, кафиллик, гаров; таъмин этиш.

**гарант, андеррайтер** *м юр.* гарантия берган (кафиллигини олган) шахс, идора, давлат; кафил.

**гедонизм** *м* гедонизм (хузур-ҳаловатга интилиш инсонга хос олий хислат, деб ҳисобловчи ахлоқий таълимот).

**Генеральное соглашение по тарифам и торговле (ГАТТ)** – тариф ва савдо бўйича бош келишув

**гипербола I** *ж лит.* гипербола, муболаға.

**гипербола II** *ж мат.* гипербола (конус кесимларидан бири).

**гиперинфляция** инфляциянинг юксак даражага етиши.

**гипотеза** *ж*

**1** гипотеза, фаразия, фараз; **плодотворная** ~ самарали гипотеза, фойдали фаразия; **рабочая** ~ иш гипотезаси, бошланғич (дастак бўладиган, таянч) гипотеза;

**2** фараз, тахмин, гумон.

**главбух** *м* (главный бухгалтер) бош бухгалтер.

**год финансовый** молия йили

**годов/ой, - ая, -ое**

**1** йиллик, бир йиллик, бир йил давомидаги, бир йилга мўлжалланган; **~ой доход** бир йиллик даромад; **~ ой запас** бир йиллик захира; **~ ая оценка** йиллик баҳо;

**2** *уст. то же, что* **годовой.**

**госбанк** *м* (государственный банк) давлат банки.

**госбюджет** *м* (государственный бюджет) давлат бюджети.

**государство корпоративное** корпоратив, уюшган, бирлашган давлат.

**готовность платить** тўлашга тайёрлик, розилик.

**градиент** *м физ.* градиент (бирор катталиқнинг масофа бирлигига силжиш мобайнида ўзгаришлари бирлиги); **температурный** ~ ҳарорат градиенти; **~ влажности** намлик градиенти; **~ скорости ветра** шамол тезлиги градиенти.

**границ/а** *ж*

**1** чегара, худуд; **государственная** ~ **а** давлат чегараси;

**2** *перен.* чек, ҳад, доира, чегара, норма; **всему есть** ~ **а** ҳамма нарсанинг чегараси бор; **выйти из** ~ **приличия** одоб чегарасидан четга чиқмоқ, ҳаддан ошмоқ (оширмоқ); **за** ~ **ей** чет элларда; **за** ~ **у** чет элларга; **из-за** ~ **ы** чет эллардан.

**гроссбух** *м бухг.* гроссбух, катта дафтар (бухгалтерияда: ҳамма маълумотларни ўз ичига олган дафтар).

**грузооборот** *м* юк обороти (маълум вақт ичида ташилган юк миқдори); **рост** ~а на речных перевозках дарёда юк ташиш оборотининг ўсиши.

**грузоотправитель** *м* юк жўнатувчи, юк юборган (шахс, ташкилот).

- Д -

**дата погашения** қарзни узиш, тўлаш, қайтариш вақти (муддати, куни).

**движение капиталов** капитал ҳаракати, айланиши.

**движимость** *ж* (кўчириб бўладиган) мол-мулк, мол-дунё.

**дебит** *м спец.* дебит (манбадан маълум вақтда олинадиган нарса миқдори); ~ нефтяной скважины нефть қудуғининг дебити.

**дебитор** *м бухг.* дебитор, қарздор, боқимандачи.

**девальвация** *ж* девальвация (муомаладаги қадрсизланган қоғоз пулларни бекор қилиш ёки қийматини тушириш).

**деградация** *ж* деградация, таназзул, завол, инқироз.

**декларация** *ж* декларация

**1** тантанали равишда эълон қилинган программа мазмунидаги расмий ҳужжат; ~ **прав народов** халқларнинг ҳуқуқлари ҳақидаги декларация; **правительственная** ~ ҳукумат декларацияси;

**2** керакли маълумотларни ўз ичига олган баъзи расмий ҳужжатлар номи; **таможенная** ~ божхона декларацияси; **налоговая** ~ солиқ декларацияси).

**деловая активность** ишчанлик, фаоллик

**демография** *ж* демография, аҳолишунослик

**демпинг** *м* демпинг (чет эл бозорларида молни арзон сотиш)

**денежно-кредитные учреждения** пул-кредит муассасалари



### денежн/ый, -ая, -ое

**1** пулга оид; пулли; пул...; **~ая реформа** пул ислохоти; **~ые средства** пул маблағлари; **~ый знак** қоғоз пул; **~ое вознаграждение** пул билан мукофотлаш; пул билан берилган мукофот (ёки ҳақ); **в ~ом выражении** пул билан ифодаланганда;

**2 разг.** пули кўп, серпул, пулдор; ҳамёни катта; **~ый человек** пулдор одам.

### деньги *мн., р. денег*

**1** пул; **бумажные** ~ қоғоз пул; **крупные** ~ йирик пул; **мелкие** ~ майда пул; майда; **за** ~ пулга, пул бараварига; пул учун; **остаться без денег** пулсиз қолмоқ;

**2** пул, маблағ; **большие** ~ катта пул, катта маблағ; **он не при деньгах** *разг.* унинг пули (маблағи) йўқ; **ни за какие** ~ бошдан зар сочганда ҳам; ҳеч қачон, сира, асло.

**депозит** *м.* депозит (сақлаш ёки бошқа бирор мақсад билан банкка қўйилган пул, маблағ ва ш.к.); **сдать невыплаченную зарплату** **в** ~ тўланмаган иш ҳақини депозитга топширмоқ.

**депозитор** *м* депозитор (депозитга пул қўйган шахс, идора ва ш.к.).

### депонент *м* депонент

**1** *то же, что депозитор;*

**2** пули, иш ҳақи депозитга ўтказилган киши).

### депрессия *ж*

**1** депрессия, турғунлик; **период** ~ **и в странах капитала** капитал мамлакатларида депрессия (турғунлик) даври;

**2** депрессия, оғир руҳий кайфият; руҳий сиқилиш ҳолати; зиклик; **состояние** ~ **и** депрессия ҳолати.

### держатель *м*

**1** қимматли қоғоз, акция ва ш. к. эгаси; **~и акций** акция(лар) эгаси, акциядорлар.

**десятичная денежная система** ўнли пуллик система

### дефицит *м*

**1** *эк.* дефицит, зарар, зиён; даромаднинг буромаддан (киримнинг чиқимдан) озлиги; **бюджетный** ~ бюджетдаги дефицит;

**2** етишмаслик, танқислик, камчилик, камоблик; ~ **рабочей силы** ишчи кучининг етишмаслиги; ~ **бумаги** қоғознинг етишмаслиги; қоғоз танқислиги;

**3** етишмайдиган (камчил, камёб) нарса, танқис нарса, дефицит.

**дефляция** *ж* дефляция (муомаладаги пул миқдорини камайтириш)

**дивиденд** *м* дивиденд (акциядан келган даромад, акциядорлар даромади)

**долг** *м, мн.* -и қарз; насия; **взять в** ~ қарз олмоқ; қарзга (ёки насияга) олмоқ; **делать** ~и қарздор бўлмоқ, қарзга кирмоқ; **наделать** ~ов қарз орттирмоқ; **войти** (или **влезть**) **в** ~и қарзга кирмоқ (ботмоқ); **жить в**~ қарздор бўлиб яшамоқ; **по уши** (или **по горло**) **в** ~ах қулоғигача қарзга ботиб ётибди; **не выходит** (или **не вылезает**) **из** ~ов боши қарздан чиқмайди; **быть в** ~у *перед кем* или *у кого* қарздор бўлмоқ, миннатдор бўлиб қолмоқ; **не остаться в** ~у *у кого* қарзни (ёки қаримтани) қайтармоқ.

**долгосрочный, -ая, -ее** узоқ муддатли, узоқ муддатга мўлжалланган; ~ **кредит** узоқ муддатли кредит; ~ **отпуск** узоқ муддатли таътил.

**доход** *м* даромад, кирим, келим; **годовой** ~ йиллик даромад; **национальный** ~ миллий даромад; **получать** ~ даромад олмоқ; **приносить** ~ даромад бермоқ (келтирмоқ).

## - Е -

**евродоллары** *мн.* евродоллар

**Европейская ассоциация свободной торговли (ЕФТА)** Европа эркин савдо ассоциацияси (уюшмаси)

**Европейская торговля** Европа савдоси

**Европейская валютная система** Европа валюта тизими

**Европейская экономическая зона** Европа иқтисодий ҳудуди

**Европейский банк реконструкции и развития** Европа тикланиш ва тараққиёт банки

**Европейский валютный фонд** Европа валюта жамғармаси

**Европейский инвестиционный банк** Европа инвестиция банки

**Европейский фонд развития** Европа ривожланиш жамғармаси

**Европейское валютное соглашение** Европа валюта битими, келишуви

**Европейское сообщество** Европа бирлашмаси (уюшмаси)

**Европейское экономическое сообщество** Европа иқтисодий ҳамжамияти

**единица счётная** ҳисоблашга оид бирлик, санок бирлиги

**единицы эффективности** *мн.* эффектлик (фойдалилик) ўлчов бирлиги

**естественный отбор** *биол.* табиий танланиш

**- Ж -**

**Женевская конференция** Женева конференцияси

**Женевский раунд** Женева раунди

**Жизненный цикл продукта** маҳсулотнинг ҳаётий цикли (айланиш даври)

**- З -**

**заем** *ж, р.* займа

**1** қарз (олиш, бериш); олинган (ёки берилган) қарз пул; **внешний** ~ ташқи қарз (чет давлатга берилган ёки чет давлатдан олинган қарз);

**2** заём; **государственный** ~ давлат заёми; **банковский** ~ банк заёми.

**закрытие, ликвидация** *ж* тугатиш, битириш, тарқатиш, йўқотиш, барҳам бериш; ~ **предприятия** корхонани тугатиш.

**залог** *м* гаровга қўйиш; гаровга қўйилган (ёки олинган) нарса, гаров, баримта; ~ **имущества** мол-мулкни гаровга қўйиш; **отдавать в** ~ гаровга қўймоқ; **взять деньги под** ~ гаров қўйиб пул олмоқ.

**замещение импорта внутренним производством** – импорт маҳсулотларини ички ишлаб чиқаришга жорий этиш.

**запасы материальные** моддий захиралар

**заработки, доходы** *мн.* даромад, кирим, келим

**заработная плата альтернативная** алтернатив иш хақи

**затраты нормативные** *мн.* норматив (белгиланган норма) сарф, харажат, чиқим

**знаки денежные** пул белгилари (қоғоз пуллар); ~ **почтовой оплаты** почта тўлови белгиси (марка).

**значение критическое** критик (энг юқори ёки энг паст) кўрсаткич

## - И -

**идентификация** *ж книж.* идентификация, идентификациялаш, айнан ўхшатиш, тенглаштириш, бирдай қилиш.

**издержки** *мн., р.* –**жек** (*ед.* **издержка ж**) чиқим, харажат, сарф; **большие** ~ катта харажат (чиқим); ~ **производства** ишлаб чиқариш харажатлари; **судебные** ~ суд харажатлари.

**излишек бюджетный (профицит)** бюджет профицити

**изменение тарифов** тариф ўзгариши

**импорт** *м* импорт

**1** чет эллардан мол келтириш; ~ **станков** чет эллардан станоклар олиш; станокларни импорт қилиш;

**2** чет эллардан келтирилган мол; ~ **за год** бир йилда чет эллардан келтирилган мол).

**инвестировать** *сов. и несов. что эк.* бирон ишга (корхона ва ҳ.к. га) капитал солмоқ, маблағ сарфламоқ.

**инвестиции** *мн* инвестициялар (сармоялар); **иностранные** ~ хорижий сармоялар.

**инвестор** – сармоядор

**индекс розничных цен** чакана баҳолар индекси

**индексация** индексация (бирор иқтисодий ҳодисанинг изчил ўзгаришлари фоизларда кўрсатилган жадвал)

**инновации** янги кашфиётларга инвестиция киритиш (янги техника, технология, илмий изланишлар устида иш олиб бориш учун ажратиладиган сармоя).

**институт экономического развития** иқтисодий ривожланиш институти

**инструмент финансовый** молиявий инструмент (восита, йўл, усул)

**инструменты политики** *мн.* сиёсат инструменти (восита, йўл, усул)

**интеграция** *ж*

**1** *то же, что интегрирование;*

**2** интеграция (турли мамлакатлар иқтисодий ҳаётининг ягона иқтисодий сиёсат асосида ўзаро боғланган ҳолда ривожланиш шакли).

**инфляция** *ж* инфляция

**1** қоғоз пулларнинг керагидан ортиқ чиқарилиши натижасида қадрсизланиши;

**2** *перен.* ишлатилавериб қадри кетиш; қадрини кеткизиш; ~ **слова** сўзни ишлатавериб қадрини кетказиш, сийқалаштириб юбориш).

**информаци/я** *ж*

**1** *по гл. информировать; средства* ~ **и** информация воситалари; **теория** ~ **и** информация назарияси;

**2** информация, хабар, ахборот, маълумот, **техническая** ~ **я** техник ахборот; техника маълумотлари; **газетная** ~ **я** газета хабарлари; **обработка** ~ **и** маълумотларни (хабарларни) ишлаб чиқиш.

**инфраструктура** *ж* такрор ишлаб чиқаришни таъминловчи ишлаб чиқаришга оид ва ишлаб чиқаришга оид бўлмаган тармоқлар ҳамда соҳалар фаолияти (хизмати) мажмуи.

**ипотека** *ж* ипотека

**1** қўзғалмас мулкни гаровга олиб бериладиган қарз;

**2** шундай қарз олиш учун гаровга қўйилган мулк).

**исключение** *с*

**1** *по гл. исключить;* ~ **е** списка рўйхатдан чиқариш (ўчириш); ~ **е** из состава составдан чиқариш;

2 истисно, мустасно, ташқари; **в виде** ~ **я** истисно тариқасида; **нет правил без** ~ **й** истисносиз қоидалар бўлмайд; **за** ~ **ем** *предлог с р.* ...-дан бошқа, ...-дан ташқари.

**искусственный** сунъий, ясама, ғайритабиий

**Исламский банк развития** Ислом тараққиёт банки

**использование факторов производства** ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш

**исчисление** *с*

1 *по гл.* **исчислить-исчислять**; ~ **процентов** процентларни ҳисоблаш (ҳисоблаб чиқариш);

2 *мат.* ҳисоб; ~ **бесконечно малых величин** чексиз кичик сонлар ҳисоби; **интегральное** ~ интеграл ҳисоб; **дифференциальное** ~ дифференциал ҳисоб.

- К -

**казначейство** *с* казначейство (молия муассасаси)

**калькуляция** *жс* калькуляция (товар, маҳсулот ва ш.к. нинг таннархини ёки олиш-сотиш баҳосини ҳисоблаб чиқиш)

**капитал** *м*

1 *эк.* капитал (қўшимча қиймат ҳосил қилиш ва уни ўзлаштириш қуроли бўлиб хизмат қиладиган воситалар мажмуи); **промышленный** ~ саноат капитали;

**банковский** ~ банк капитали; **монополистический** ~ монополистик капитал;

2 *эк.* капитал, маблағ; сармоя; **оборотный** ~ оборот капитали, айланма капитал;

**оборот** (или **обращение**) ~а капитал обороти, капиталнинг айланиши;

3 капитализм, капиталистлар синфи, капитал; **противоречия между трудом и** ~ом меҳнат билан капитал ўртасидаги қарама-қаршилик (зиддият);

4 *разг.* кўп миқдордаги пул, маблағ; **купил бы, да** ~ов не хватает сотиб олар эдим, аммо маблағ етишмайди;

5 *перен.* капитал, бойлик, бисот; **его** ~ - **знания** унинг бойлиги - билими;

**мёртвый** ~ ишга тушмаган (фойда келтирмай ётиб қолган) маблағ, ўлик капитал.

**капитализм** *м* капитализм (барча ишлаб чиқариш воситалари ёлланма меҳнатни эксплуатация қилувчи капиталистлар синфининг хусусий мулки бўлган ижтимоий тузум).

**капиталовложения** *мн.* (*ед.* **капиталовложение** *с*) капитал қурилишга ажратилган, сарфланган маблағ

**карточка кредитная** кредит карточкаси

**карточка чековая** *ж, р. мн.* чек карточка (бирор мақсад учун белгиланган варақа).

**касс/а** *ж* касса

**1** пул, қимматбаҳо қоғоз ва ш.к. сақланадиган махсус қути, сандиқ, ёки шкаф; **несгораемая ~а** пўлат сандиқ;

**2** муассасаларнинг пул, билет ва ҳ.к. сақланадиган, оладиган ва тарқатадиган махсус бўлими, хонаси; **подойти к ~е** кассага бормоқ, яқинлашмоқ; **билетная ~а** билет кассаси; **железнодорожная ~а** темир йўл кассаси; **театральная ~а** театр кассаси; **заплатить в ~у** кассага тўламоқ;

**3** турли кредит органларининг номи; **сберегательная ~а** омонат кассаси;

**4** тўпланган нақд пул; идора ёки муассаса кўлидаги нақд пул; **принять ~у** кассани қабул қилмоқ; **сдать ~у** кассани топширмоқ; **проверить ~у** кассани текширмоқ;

**5** пул майдалайдиган ёки билет сотадиган ярим автомат; **автобусная ~а** автобус кассаси; **неисправная ~а** бузуқ (бузилган) касса;

**6 ~ взаимопомощи** ўзаро ёрдам кассаси.

**квота** *ж*

**1** квота, норма; **импортная ~** импорт квотаси (нормаси); **налоговая ~** солиқ солинадиган нарса донасига (ёки бирлигига) тўғри келадиган солиқ миқдори;

**2** квота, ҳисса, улуш.

**квота импортная** импорт квотаси (нормаси)

**классификация рынков** бозорлар (савдо мажмуалари) классификацияси, таснифланиши

**классическая школа** классик мактаб

**классическая экономическая теория** классик иқтисодий назария

**комиссионные** *мн.* комиссия (воситачилик) ҳақи; **выплатить ~ ые** комиссия ҳақини тўламоқ.

**комиссия по ценам** – нархлар бўйича комиссия

**коммунальные предприятия** *мн.* шаҳар хўжалигига оид, қарашли; коммунал ташкилотлар.

**компания** *ж* компания, ширкат (савдо ширкати); **акционерная ~ я** акционерлар компанияси (ширкати).

**компенсация** *ж*

**1** компенсация, бадал, музд, ҳақ, товон;

**2** ўрнини тўлдириш, ҳақ (бадал, товон) тўлаш; ~ **за неиспользованный отпуск** фойдаланилмаган таътил учун ҳақ тўлаш, фойдаланилмаган таътил учун тўланадиган компенсация (ҳақ, бадал); ~ **убытков** зарар ўрнини тўлдириш; зарарни қоплаш учун бериладиган компенсация;

**3** *мед.* компенсация, компенсациялаш (организмда бузилган мувозанатнинг бирмунча тикланиши, нуқсон ўрнининг тўлиши, компенсацияланиши);

**4** *тех.* компенсация, компенсациялаш, компенсацияланиш (механизмлар ишидаги нормал ҳолатдан оғишларнинг йўқолиши ёки йўқотилиши); ~ **компаса** компас оғишининг компенсацияланиши.

**компромисс** *м* бир-бирига ён бериш, ўзаро келишув, битим, мураса; **идти на ~** ўзаро келишмоқ, мурасага (битимга) келмоқ; **идти на ~ со своей совестью** виждонини ютмоқ (сотмоқ), виждонсизлик қилмоқ.

**конверсия** *ж* конверсия, конверсиялаш, ўзгартириш; ~ **займа** заёмни конверсиялаш (шартларини ўзгартириш).

**конвертируемость** пулнинг конвертация қилинишга лаёқати

**конгломерат** *м* конгломерат

**1** хилма-хил нарсаларнинг тартибсиз, тасодифий йиғиндиси, қоришмаси, курамаси;

**2** *геол.* тош, қум, шағал ва ш.к. нинг оҳақ, лой ва ҳ.к. воситасидаги маҳкам бирикмасидан иборат тоғ жинси;

**3** монополистик бирлашма тури.

**конечный продукт** ишлаб чиқаришнинг энг сўнггида берадиган маҳсулоти



### **конкуренци/я** *ж*

**1** конкуренция; рақобат; **жестокая** ~я қаттиқ (шафқатсиз) конкуренция; ~я на **мировом рынке** жаҳон бозоридаги конкуренция;

**2** баҳс, беллашув, кураш; **вне** ~и рақобатлашиб бўлмайдиган, тенг келиб (баҳслашиб) бўлмайдиган; мисли (тенги) йўқ.

**контракт** *м* шартнома, битим, контракт; **заключить** ~ шартнома тузмоқ.

### **контроль** *м*

**1** контроль, назорат; **взять под** ~ *кого-что-л.* контроль (назорат) остига олмоқ; **осуществлять** ~ *над кем-чем-л.* бирор кимса ёки нарса устидан назорат (контроллик) қилмоқ;

**2** контроль (идора, корхона ва ш.к. ишини назорат қилиб турувчи муассаса); **государственный** ~ давлат контроли; **народный** ~ халқ контроли;

**3** *собир.* контролёрлар, назоратчилар, текширувчилар.

### **концентрация** *ж*

**1** *по гл.* **концентрировать** и **концентрироваться**; ~ **я населения** аҳолининг бирор жойда зич жойланиши (яшаши); ~ **я производства** ишлаб чиқаришнинг бир ерга (бир қўлда) тўпланиши;

**2** *хим.* концентрация (куюклик, тўйинганлик, бойиганлик даражаси); **раствор высокой** ~ и юқори концентрацияли эритма, куюқ эритма.

**концепция денежная** пулли концепция (қарашлар системаси, тушуниш, моҳият)

**кооператив рабочий** ишчи кооператив (биргалик ва меҳнат тақсимоти асосида ишни ташкил этилиши)

**корпорация** *ж* корпорация, уюшма, бирлашма; доира, аҳллар; **ремесленная** ~ хунармандлар корпорацияси; ~ **учёных** олимлар аҳли.

### **кредит** *м*

**1** кредит, қарз; насия; **долгосрочный** ~ узоқ муддатли кредит; **покупать в** ~ қарзга (насияга) олмоқ; **продавать в** ~ қарзга (насияга) бермоқ;

**2** *перен.* обрў, эътибор, ишонч; **терять** ~ обрўйини йўқотмоқ, безътибор бўлмоқ; **пользоваться** ~ом ишонч қозонмоқ, ишончга сазовор бўлмоқ;

**3** *мн.* ~ы *фин.* кредит, ажратилган маблағ; ~ы на **жилищное строительство** турар жой қурилиши учун (ажратилган) маблағлар; **исчерпать** ~ы кредитни (ажратилган маблағни) олиб сарфлаб тугатмоқ; **государственный** ~ эк. давлат кредити (давлат томонидан қарз бериш системаси).

**кредитовать, -тую, -туешь** *сов. и несов.*

**1** *кого-что* кредит (қарз) бермоқ; қарзга бермоқ;

**2** *что фин.* кредит бермоқ, маблағ ажратмоқ; кредит билан таъминламоқ; ~ **исследования** тадқиқотлар учун маблағ ажратмоқ (бермоқ); ~ **строительство** қурилишга маблағ ажратмоқ; қурилишни кредит (маблағ) билан таъминламоқ.

**кредитор** *м* кредитор, кредит (қарз) берувчи (берган) киши, ташкилот;  
**рассчитаться с ~ами** кредиторлар билан ҳисоб-китоб (ора-очиқ) қилмоқ (қарзларни бериб қутулмоқ).

**кризис** *м*

**1** кризис, кескин ўзгариш, бурилиш; **в их отношениях наступил** ~ уларнинг муносабатида кескин бурилиш бошланди;

**2** *мед.* кризис (беморнинг ё уёқлик, ё буёқлик бўлишига олиб борадиган оғир ҳолат); ~ **миновал, больной стал поправляться** кризис ҳолати ўтиб, бемор тузала бошлади;

**3** *эк.* кризис; бўҳрон (*экс.*); **аграрный** ~ **аграр кризис**; **промышленный** ~ саноат кризиси; ~ **перепроизводства** ортиқча маҳсулот ишлаб чиқариш туфайли юз берган кризис;

**4** кризис, танқислик, танглик, етишмаслик; **водяной** ~ сув танқислиги (етишмаслиги); **энергетический** ~ энергетик танглик; энергиянинг етишмаслиги;

